

КЕЧА КЕЛГУМДУР ДЕБОН...

05:00 / 07.03.2017 5959

Мир Алишер Навоийнинг ажиб байтларини шу пайтга қадар ҳамма хар ҳил тушуниб келган. Шу боис, собиқ иттифоқ даврида ҳам бобомиз томонидан қолган меросларни тузумлаштириб олганлар бўлди.

Ҳатто «Келмади» деб номланмиш машҳур ғазални ҳам ўша пайтнинг юксак севгиси тариқасида талқин этишди. Навоий даврида йигит ва қиз ўртасидаги муҳаббат илоҳий даражага кўтарилган, деб иддао қиладиганлар ҳали ҳам орамизда топилади. Аммо минг таассуфки, аслида Мир Алишер Навоийнинг байтларида умуман бошқа маънолар акс этган эди. Ҳозир биз собиқ иттифоқ даврида «ёр севгиси» деб таърифланган «Келмади» ғазалини тасаввуфий руҳда шарҳлашга уриниб кўрамыз.

**Кеча келгумдур дебон Ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг Отгунча уйқу келмади.**

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Навоий яшаган даврда бир қиз ҳозиргидек йигитнинг кўзига тик қараганмикан? Ёки ҳаё ва андишали замон вакилларининг «севгилиси»га қарата: Кечқурун келаман, мени кутинг» дейишига ишонасизми? Йўқ, Навоий бобомиз бу ерда йигит ҳамда қиз ўртасидаг ишқий муносабат ҳақида гапирмаяптилар. «Ул сарви гулрў» аслида биз тушунаётгандек маъшуқа эмас, балки тунда уйқуларни ҳам бузиб юборадиган КЎЗ ЁШдир. Ҳа, кўз ёш. Навоий ҳаддан ташқари ҳассо инсон бўлгани боис, ҳар бир мисраларида Аллоҳга бўлган муҳаббатни изҳор қиладилар. Яратганга бўлган чексиз қуллик ул зотни қўлга қалам олишга мажбур айлаган. Шу боис, «Кеча келгумдур» деб ваъда қилган кўз ёшни, Аллоҳ учун сажда пайтида тўкиладиган кўз ёшни тунги ибодатлари даврида кутганликларини айтадилар. Аммо инсон ҳар доим ҳам йиғлай олмайди, ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган, қоп-қоронғу кечада биргина ғофил бўлмаган Зот - Аллоҳ учун йиғламалик бахтини ҳақиқий солиҳ инсонлар тушуниб етадилар. Алишер Навоий шундай инсон бўлгани туйғайли ҳам, Аллоҳ таоло учун йиғламаликни «сарви гулрў» деб атамоқдалар. Аммо... одамлар учун риё қиладиган инсонларнинг қалби қотиб кетади, ҳеч ким кўриши мумкин бўлмаган тунги кечада йиғлолмай қолади экан. Шундай надоматни одамларга эслатиш ниятида Навоий «ҳар кеча келаман, деб ваъда айлаб, ул сарви гулрў келмади» демоқдалар.

Ҷазалнинг давомида ундан-да ҳайратлари сатрлар оқиб келади: Тонг отгунга қадар Уни кутдим, аммо Унинг келмагани сабабли кўзларимга уйқу ҳам келмади!

**Лаҳза-лаҳза чиқдим-у, Чекдим йўлида интизор,
Келди жон оғзимга-ву, Ул шўҳи бадҳў келмади.**

Ҳар лаҳзада уни, яъни ҳеч ким кўриши мумкин бўлмаган қоп-қоронғу кечада кўзимдан тинмасдан оқадиган кўз ёшни кутдим, кутишим асносида унинг йўлига кўзларимни интизор қададим. Ҳатто жон халқумдан ўтиб, оғзимга ҳам келди, аммо ул ёмон феъллик маъшуқам келмади. Ёмон феъллик маъшуқа- кўз ёш мени алдаб кетди, агар у яна бир неча кун келмаса, менинг дунёда яшамакликдан маъним ҳам қолмайди.

**Оразидек ойдин эркан-да, Гар етти эҳтиёт
Рўзғоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.**

Фақат Аллоҳ учун ҳолис тўкиладиган кўз ёшни жуда кутдим, аммо унинг келмаслиги тобора ойдинлашиб борарди. Ҳаттоки, унинг юзини эслагим келади, «Оразидек ойдин эркан-да» деб кечани ёритгувчи юзини эслаб ўтади тунларим. Ҳудди рўзғорим, тирикчилигим сингари уни кундузлари кўриб қоламан, негадир у қоронғу кечада келмайди.

**Ул париваш хажриниким, Йиғладим девонавор,
Кимса бормуким анча Кўрғонда кулгу келмади.**

Энди мен кўз ёшларимни париваш деб номлаяпман, мен уни жуда соғиндим, негадир у мени узоқ-узоқларга ташлаб кетгандек туюлмоқда. Унинг хажрида девоналарга ўхшаб йиғладим, аслида Аллоҳ учун тўкишим керак бўлган кўз ёшимни соғиниб йиғладим, бундоқ йиғламакликдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин. Кўз ёшини соғиниб йиғлаётган кишини кўрганлар бу ҳолнинг моҳиятини тушуниб қолиб, ҳатто кулишмади ҳам. Менинг девонавор йиғлаётганлигимни кўриб ул бечораларнинг юзларига кулгу келмади.

**Кўзларингдан неча су келгай, Деб ўттирманг мени,
Ким бори қонерди келган Бу кеча су келмади.**

Тўғри, кўзларимдан кўз ёш, сув оққан. Аммо Аллоҳ учун йиғламаклик ҳақиқий обидлар учун насиб этади экан. Мени маломат қилаверманг «кўзингдан кўп сув оққан» деб. Бу кеча Аллоҳ учун бир йиғлай деб эдим, кўзларимга умуман сув келмади. Нақадар даҳшат!

**Толиби содиқ топилмас, Йўқсаким қўйди қадам,
Йўлғаким, аввалқандам Маъшуқи ўтру келмади.**

Мен барибир кўз ёшларимни топиш учун сафарга чиқаман. Ул сафар муборак бўлади. Кўз ёшларимни топишга уринаман. Бу йўлда устоз топаман, унинг ҳар бир топшириғини бажараман. Ҳатто бу йўлда менга толиби содиқ топилмасада, маъшуқимни топиш учун йўлга чиқаман.

**Эй Навоий, бода бирла Хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учун ким, бода келган Уйга қайғу келмади.**

Бода сўзи классикада «Аллоҳга бўлган муҳаббат» деган маънода ишлатилади. Шунинг учун ҳам ғазалларнинг аксаридида шу сўзни ўқисак, уни мажозий маънода тушунишимиз керак. Навоий ҳазратларига ўзларига ўзлари мурожаат айлаб: Эй Навоий, Аллоҳга бўлган ибодатингни кучайтиравер, зеро, бу амал билан ҳар қандай уйни гўзал айламоқ мумкин. Ҳақиқий муҳаббат кирган уйларга ҳеч қачон қайғу келмади. Айнан шу жиҳат билан «ул сарви гулрў»ни уйга таклиф айламакнинг йўли бордир. Навоийнинг хитоби охирлаганда, ғазалдан олинадиган фойдаларни ҳам келтириб ўтамиз:

Инсон тунги ибодатида йиғламакликни талаб этсин. Кўзлари ёшланмаса, кўзлари ёшланмаётгандан йиғласин. +алби қотиб кетганидан йиғласин. Ҳамма нарса учун ёшланган кўзлари бутун оламларни яратган Зот учун ёш тўка олмаганидан йиғласин. Бошқа ёшларни эмас, балки Аллоҳ учун йиғлаган кўз ёшини «сарви гулрў», «маъшуқи ўтру», «шўҳи бадҳў» сингари эъзозласин, уни суйсин ва ана шу учун ҳам йиғласин.

Чунки Аллоҳ таоло қуръони каримда ўз бандаларига «намоз ўқинглар» деб эмас, балки намозни барпо қилинглар, деб амр этган. Яъни, инсон намозни шундоқ ўқиб қўйиши эмас, балки ихлос билан барпо қилмоғи, қурмоғи лозим. Шундагина намоз Аллоҳ таолонинг хузурида хусни мақбул бўлади. Аллоҳ таоло Ўзи учун тўкилган бир қатра ёш ҳурмати бандасини дўзахдан озод этади. Бу ҳақда муборак ҳадислар ворид бўлган. Шундай экан, келинг, Жаноби Ҳаққа йиғлайлик, фақат Унинг Ўзигагина муножот айлайлик. Навоийнинг ғазалидан илҳом олиб ёзилган сатрларни ўқиб, Мир Алишер бобомизнинг руҳларига хайри дуо қилайлик.

КЕЧИР РАББИМ

Қуёш ғарбга кетди шўнғиб,
Ухлолмадим, кечир раббим!
Силтадилар: «йиғлагин», деб

Йиғлолмадим, кечир раббим!

Кўкка нолон нидо қилдим,
Чок-чок бўлган кўксим тилдим,
Ўзимни гуноҳкор билдим,
Йиғлолмадим, лекин Раббим!

Кимнинг иши тушса гар, бас,
Ёрдамим тутдим ҳар нафас,
Яхшилиқдан бошим чиқмас,
Йиғлолмадим, лекин Раббим!

Кўзимда нур, ёвуз кулгу,
Қалбимда ишқ тўла туйғу,
Ҳар кун бошим меҳробда-ю,
Йиғлолмадим, кечир Раббим!

Ишим менинг саҳоватдир,
Билмаганим - ҳаловатдир,
Бу қандайин мусибатдир:
Йиғлолмадим, кечир Раббим!

Ёмғирпўшдан топиб паноҳ,
Ёмғирда ҳам қилдим гуноҳ.
Ҳушъу менга ёт бўлди, оҳ...
Йиғлолмадим, кечир Раббим!

Кўкка порлаб чиққач офтоб,
Сенга нолон қилдим хитоб...
Бир қатра ёш бўлди камёб,
Йиғлолмадим, кечир Раббим!

Истадим-у, қалбимда ғам,
Дод-вой солди тоғ-у, тош ҳам,
Вале айлаб кўзимни нам,
Йиғлолмадим, кечир Раббим!

Раббим, сокин ухлат мени,
Бағрим ўйиб тиғлат мени
Не қилсанг ҳам йиғлат мени...
Йиғлолмадим, кечир Раббим!